*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 26 март • сешанба № 12 (852)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz

**Муқобил энергиянинг янги босқичи**

иқтисодий тежамкорлигидан ташқари тоза энергия манбаи ҳамдир

3

***Ислом КАРИМОВ:***

***“Болалар ва ёшларнинг спорт билан оммавий равишда шуғулланиши уларнинг характерини тоблайди, кучли, мард ва жасур бўлиб камол топишига хизмат қилади, қатъиятли, ҳаёт синовлари ва қийинчиликларини мардона енгиб ўтишга қодир инсонлар этиб тарбиялайди. Спорт билан мунтазам шуғулланиш фарзандларимизнинг феъл-атвори ва турмуш тарзини ижобий томонга ўзгартиради”.***

**Муҳаррир минбари**

# Болалар спорти: Фарзандларимизнинг замони келди, даври келди!



## Далил ва рақамлар моҳиятидаги ҳақиқат

**Ўтган охирги 10 йил давомида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1113 та болалар спорти объекти, жумладан, 252 та янги спорт комплекси, 861 спорт зали барпо этилгани, буларнинг 84 фоизи қишлоқ жойларда қурилганини таъкидлаш лозим.**

**262 та спорт иншооти реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Бу мақсадлар учун 570 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Биргина ўтган йилда 92 та болалар спорти объекти ва 16 та сузиш ҳавзаси қурилди ва реконструкция қилинди.**

**Бугунги кунда умумтаълим мактабларининг сони 9600 тани ташкил этадиган бўлса, уларнинг 81 фоизи янгитдан қурилган ва реконструкция қилинган спорт залларига эга.**

**1549 та коллеж ва лицейлар замонавий жиҳозланган спорт заллари билан 100 фоиз таъминланган.**

**Болалар спорти объектлари, аввалабмор, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган анжомлар билан жиҳозланди ва қайта жиҳозланмоқда. Бугунги кунда 120 турдаги спорт инвентарлари ва ускуналарининг 114 таси мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётгани ўтган даврда бу борада ҳам жиддий қадамлар қўйилганидан далолат беради.**

**Ҳозирги пайтда янгитдан бунёд этилган болалар спорти объектларида фаолият кўрсатаётган 57,5 мингдан ортиқ спорт секцияларида 1 миллион 800 минг нафардан зиёд бола спорт билан шуғулланаётгани ва бунинг натижасида ҳар қайси спорт иншоотининг кундалик ўртача бандлик даражаси 9,2 соатга етгани, ҳеч шубҳасиз, фаолиятимизнинг энг муҳим самараси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.**

**Ўтган беш йилда мамлакатимизнинг барча вилоятларида намунавий лойиҳалар асосида ҳажми 25 метрга 12 метр бўлган 14 та янги, замонавий ёпиқ сузиш ҳавзаси барпо этилди, 13 та сузиш ҳавзаси қайтадан қурилди, 83 таси капитал таъмирланди. Шу даврда 110 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди, уларнинг умумий сони бугунги кунда юртимиз бўйича 203 тага етди.**

**Айни пайтда, юқорида айтилганидек, юртимизда 1 миллион 800 минг нафардан ортиқ бола 30 дан зиёд спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Бу рақам, 2003 йилга нисбатан олганда, 1,4 баробар кўпдир. Шу даврда мактаб ўқувчиларини жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб этиш 20,4 фоиздан 40,5 фоизга, жумладан, қизлар ўртасида 16,4 фоиздан 32,5 фоизга ўсгани, албатта, ҳаммамизни қувонтиради.**

**Агарки рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, сўнгги ўн йилда қишлоқ жойларда болаларнинг спорт билан шуғулланиши 14,5 фоиздан 39 фоизга ўсганини кўриш мумкин. Бугунги кунда қишлоқларда спорт билан мунтазам равишда шуғулланадиган болаларимиз сони 2003 йилга нисбатан икки баробар кўпдир.**

**Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, ўтган йиллар мобайнида қизларни спортга жалб қилиш борасида улкан натижаларга эришилди. 2012 йилда мамлакатимизда спорт билан шуғулланаётган қизлар сони, 2003 йил билан солиштирганда, 1,6 баробар, жумладан, қишлоқ жойларда 1,3 баробар ўсди.**

**Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, бадиий гимнастика бўйича жойларда ҳудудий федерациялар ва марказларнинг ташкил этилгани натижасида спортнинг саломатлик учун ҳар томонлама фойдали бўлган ушбу нафис тури билан мунтазам шуғулланаётган қизлар сони кескин ошганини кўрамиз.**

**Эътибор беринглар, агар 2003 йилда бор-йўғи 1700 нафар қиз бола бадиий гимнастика билан шуғулланган бўлса, 2012 йилда уларнинг сони 36 мингтага етди.**

***(Давлатимиз раҳбариинг Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг мажлисидаги маърузасидан)***

## Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг мажлисидаги маърузасидан кейин кўнгилда кечган ўй-фикрлар

МАЗКУР мажлисни ТВда кузатдим. Президентимиз маърузасини очиғи, кўнглим тўлиб, тўлиқиб тингладим. Матбуотда ўқиб чиқдим. Сиз қатори мен ҳам фахрландим. Ғурурландим. Ў-ў-ў, Ўзбекистон болалари дунёга чиқиб, дунёни ҳайратга солаяпти. Кимлар орзу қилган, кимлар интилган спорт шоҳсупаларига Ўзбекистон фарзандлари ҳам оёқ қўйишаяпти. Мўъжиза дейсизми, омад дейсизми, бахт дейсизми, ўзбекка ҳам бугун Худо берди, Яратганнинг инояти бу дейсизми, нима десангиз денг — бугун ўзбек болалари, Ўзбекистоннинг эртаси бўлган азиз ва ардоқлиларимиз Онажонимиз Ўзбекистон шаъни ва қудратини дунёга кўрсатиб қўяяпти, бу улуғ ўлканинг эртаси билан ҳазиллашиб бўлмаслигини, келажаги кучли ва қудратли Ўзбекистонни жаҳонга кўз-кўз қилишмоқда...

Мажлисни телевизор орқали кузатиб бўлгач, спорт билан шуғулланиш таг-замиридаги, айниқса, болаларимизни спортга жалб этишнинг мазмун-моҳиятидаги улуғ ниятни, юксак мақсадни, бу бекорга давлатимиз диққат-эътиборидаги энг муҳим масалага айланмагани, давлат сиёсати даражасига кўтарилмаганини яна бир бор ҳис қилдим. Шундай, спорт инсонни кучли қилади. Бақувват, қудратли қилади. Жисмида куч-қувват қайнаб-тошган одамнинг руҳи ҳам соғлом бўлади. Руҳан тетик ва саломат инсоннинг эса жисмини ирода зирҳи ўраб туради. Спорт ақлни, идрокни чархлайди. Иродани мустаҳкамлайди. Ақли соғ, иродаси метин, кучли одам ёмонликнинг кўчасидан юрмайди. Руҳан ва жисмонан соғлом Инсон ожизлик қилмайди. Ожизлик қўрқоқликнинг эгизи, ожизлик хоинликнинг ошнаси. Демак, ақли, руҳи, жисми кучли ва қудратли зотдан хоин чиқмайди, сотқин чиқмайди. Президентимиз айтганлари каби: **“Бизнинг ичимиздан сотқин чиқмаса бизни ҳеч ким, ҳеч қачон енголмайди...”**

Маърузани тинглаб, сўнг матбуот орқали ўқиб, қишлоқларимизга болалар спорти кенг кўламда кириб боргани ва бораётгани борасидаги таҳлилу талқин, далил ва рақамлар, ҳаётий мисоллар қаршисида мен ҳам ўз болалагим билан юзма-юз келдим, болалигимни эсладим.

Одам ҳеч қачон ўз болалиги устидан кулмайди. Кулиши мумкин ҳам эмас. Одамнинг ўз болалигини ҳақоратлашга тили бормайди. Бу ўзини ҳақоратлаш билан баробар. Мен бугун ўша беғубор болалагимдан узр сўраганим ҳолда баъзи бир мактаб воқеаларини эсга олмоқчиман...

Ўшанда ҳам спорт бор эди, лекин бизда фақат спорт деган тушунча бор эди. Мактабимиз стадиони тап-тақир ер. Ўртасидан чизиқ тортилган. Мана шу ўйингоҳ. Икки томонда иккита дарвоза. Тўсинлари терак танасидан тикланган. Омонатгина. Дарвозада тўр бўлиши тасаввуримизга ҳам сиғмайди. Борига шукр. Жисмоний тарбия дарси. Ўғил болалар иккига бўлинишади, 6 ёки 7 нафардан бўлиб, иккита жамоа тузилади. Спорт формаси қаерда дейсиз, шимлар почаси тиззагача қайтарилади, айримлар яланг оёқ. Кимдир майкада, кимдир кўйлакда, ўйинга тушиб кетамиз. Чанг-тўзон. Футбол учун мос бўлмаган қизил резина тўп ўртада. Жисмоний тарбия дарси шу. Мактаб ёшимиз шундай ўтди. Ўғил болалар тўп, қизлар “Қизил байроқ”, “Кал эчки”, “Ким топди” ўйнайди. Ўйин бошланиши билан муаллим олча соясида ёнбошлаб пинакка кетади. Мана дарс. Мана физкультура. Мана ўйин! Бу гаплар жудаям олис тарих гаплари эмас. 80 — 85-йиллар ҳақида гап кетаяпти. Шўро давлати мен зўрман, бизда ҳамма яхши нарсалар болаларга, қишлоқ билан шаҳарнинг орасида тафовут тобора йўқолмоқда, деб қариллаётган, дунёга жар солаётган, “коммунизм” эшигига “қўлимиз етай-етай”, деб турган даврдаги болалигим ҳақида гапираяпман.

Бир куни нима жин уриб синфдошимиз Турдихол жисмоний тарбия муаллимимизга шундай деб қолди:

— Малим (муаллим демоқчи), бизам ё пудбол, ё валибол ўйнаймиз. Бундайчаки ўйинлар жонимизга тегди. “Кал эчки” ёки “Ким топди”ни уйдаям ўйнайверамиз.

Муаллим ҳангу манг бўлиб қолди.

— Нима деяпсан? Қиз бошингминан Сенга футбол ёки волейболни ким қўйипти, бўйнинг узилгур!

Бу жисмоний тарбия домласининг гапи. Турдихол ер чизди. Ерга кириб кетай деди. Уялди. Зўрға ўзини оқламоқчи бўлди. Шаҳардаги холасининг қизлари мактабда волейбол, футбол (ва номини айтолмади) бошқа ўйинлар ўйнашини айтганди, муаллим жеркиб берди:

— Уяқ шаҳар, буяқ қишлақ!

Бўлди. Турдихолнинг уни ўчди. Музтар бўлди Турдихол. Яна бир кун: Тўп тепаяпмиз. Олдинги аҳвол. Чанг-чунг. Дарвоза тўсинлари тепасига қоқилган терак тўсин омонат экан шекилли, синфдошимиз Ўролнинг зарб билан тепган тўпи тегиб, тепадаги тўсин дарвозабон Шафоатнинг елкасига ағнади. Шафоат ўлмоқдан нари-бери бўлди. Бир ой шифохонада ётди. Ҳалиям елкасини қисиб юради, бояқиш.

Яна бир кун: синфдошим Нуриддин жисмоний тарбия дарсида муаллимга ёзғириб қолди:

— Малим, омборхонада штанга бор экан. Олиб чиқиб, кўтарайлик.

— Тимирскиланиб шуни ҳам кўрдингларми? Уни кўтариб нима қиласан? Жимгина, бундайчаки (қўлини ғалати маънода кўрсатди) қилиб ўтир, чурранг тушиб қолмасин, бола!

Бизлар билиб-билмай кулган бўлдик. Нуриддин изза бўлди. Чиндан ҳам мактаб омборхонасида ғалати-ғулути спорт анжом-ускуналари бўларди. Чанг босиб, занглаб, эскириб ётарди. Биров қизиқмасди. Спорт умуман нолинчи даражадаги бир овунчоқ ўрнида кўриларди. Бошқа жойни билмадим, бизнинг мактабда шундай эди.

...Бугун-чи, бугун умуман ҳаёт бошқача... Бу тушунчалар мутлақ ўзгарган. Менинг болалагим кечган мактаб тубдан ўзгариб кетган. Шаҳардан борганда онда-сонда мактаб ҳовлисига кираман. Замонавий кўринишдаги янги бино, спорт заллари, машғулот хоналари, барча талабларга жавоб беражак спорт майдончалари, ҳар бир спорт ўйини ва машғулот учун алоҳида майдончалар... бари-бари рисоладагидай. Шу ерда яшаётган укамнинг ўғилларига, синглимнинг фарзандларига ҳавасим келади, улар мана шу кенг-мўл имконият майдонларининг эгалари. Улар тўрсиз дарвозани тасаввур ҳам қилолмайдилар, улар чанг-чунг ичида туфлиси йиртилиб, оёғи қонаб, резина тўп орқасидан ҳаллослашмайди, консерва қутисини тепиб, “футбол” ўйнамайдилар, уларнинг бошига дарвозанинг омонат тўсини ҳам тушиб кетмайди. Бу болалик дунё билан, дунё спорти билан бўйлашадиган болалик. Энди бу болалик билан менинг ўша болалигим орасида еру осмончалик фарқ бор...

“Суюнчи” фильмини кўргансиз. Тоғлар бағрига тўш урган қишлоқ одамлари, аниқроғи, Анзират бувининг набиралари — ўзига хос Шерматнинг оиласи ва бу оилада вояга етаётган ўн нафар боладан футбол жамоаси тузилгани ҳақида... Эсладингизми? Ҳа, ўша фильм, Ҳусан Шарипов — Шермат, раҳматли Зайнаб ая Садриева — Анзират ролини ижро этган фильм. Хуллас, шу фильмда ўша “қўли узун қизил давр” устамонлик билан кулги қилинган. Қишлоқда футбол ўйнайдиган жой йўқ. Ҳали у кўчада, ҳали бу кўчада қишлоқ болалари тўп суришаверади, қўни-қўшнининг деразалари аҳволини айтмай қўя қолайлик. Қишлоқ болаларининг футбол майдонларида, футбол тўгаракларида тўп суриш орзуси усталик билан сингдирилган бу фильмда оила бошлиғи Шерматнинг бир гапи бор: **“Мен бу тоғлар орасида номим чиқмай дунёдан ўтиб кетишни хоҳламайман”**, дейди у. Ҳа, бошқа нарсани қўя турайлик, спорт бобида ҳам ўша нобоп тузум ғаддорлик қилди. Ким билади, қанча-қанчалаб юртимиз фарзандларининг, иқтидорли, кучли ўғил-қизларимизнинг номлари тоғлар орасида қолиб кетмадимикин? Қанча-қанчалаб Турдихоллар, қанча-қанчалаб Нуриддинларнинг номи тоғлар орасида, олисларда қолиб кетмадимикин... Шуларни ўйласам кўнглим эзилади.

Истиқлол дарёси ўз ўзанини топиб спорт ва миллат саломатлиги деган улуғ тушунчалар бағрига ҳаётбахшлик уйғотаётган бугунги саъй-ҳаракатлардан эса қалбимда бир қудрат туяман. Чунки спорт, айниқса, болалар спорти ривожи баркамол авлодни шакллантиради. Соғлом ҳаёт тарзини яратади. Азиз фарзандларимизни турли хил салбий таъсирлардан асрайди. Шунинг учун ҳам бизда, Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш умумхалқ ҳаракатининг асоси бўлиши керак, деган умумният шаклланмоқда. Шунинг учун ҳам катта шаҳарларимизни қўя турайлик, чекка-чекка қишлоқларимизда ҳам болалар спортига, айниқса, қизларимизни спортга жалб этишга алоҳида урғу берилаяпти. Бу эзгу интилиш ўз натижасини ҳам бераяпти.

Тўғриси, бугун ўлкамизнинг чет қишлоқларида фалончининг қизи чемпион, писмадончининг ўғли ғолиб бўлибди, деган гапларга кўникиб бораяпмиз. Ўзбекистон ўз фарзандлари тимсолида ўз имкониятини намоён этаётгани одатий ҳолга айланаётганидир, эҳтимол. Лекин бундай ютуқларнинг ўзи бўлаётгани йўқ, бу ютуқлар осмондан тушаётгани ҳам йўқ. Бу улуғ ишларнинг замирида ўз эртаси, келажаги, ўғил-қизлари бахти-саодатини, туғилажак фарзандлар соғлигини, Ватан эртасини ўйлаган мамлакатимизнинг, шу мамлакат равнақи учун жонини беришга ҳам тайёр Инсоннинг кенг эзгу саъй-ҳаракати ётибди.

**Қўчқор НОРҚОБИЛ**

## "Обод турмуш йили" Давлат дастури: Учинчи бўлим

# Тиббий хизмат сифати ошиб, аҳоли саломатлиги

## янада мустаҳкамланмоқда

**ИСТИҚЛОЛНИНГ дастлабки йиллардан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, баркамол авлодни шакллантириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларига айланди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида яратилган соғлиқни сақлашнинг ноёб миллий модели юксак самаралар бераётгани жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.**

"Обод турмуш йили" Давлат дастурининг учинчи бўлимида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини янада ривожлантириш, жумладан, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ташхис қўйиш ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш, касалликларнинг олдини олиш, илғор тиббиёт технологиялари ҳамда даволаш усулларини татбиқ этишни кенгайтириш, тиббиёт ходимлари меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришга доир комплекс чора-тадбирлар белгиланган.

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси ва вилоятлардаги кўп тармоқли болалар тиббиёт марказларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш режалаштирилган. Ушбу муассасаларда ўрнатилган янги асбоб-ускуналар негизида илғор ташхис қўйиш ва даволаш технологиялари жорий этилади. Бу эса болаларга жаҳон стандартларига мос юқори технологик ва ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради.

Маълумки, соғлом бола туғилиши ва унинг нормал ривожланишида оналар ва болаларнинг тўғри овқатланиши ғоят муҳим ўрин тутади. Шу мақсадда Ўзбекистонда микронутриент танқислигининг олдини олиш ва бартараф этиш, яъни истеъмол тузини йодлаш, унни тўйинтириш, темир, фолий кислотаси ва А витаминини саплементация қилиш бўйича дастурлар амалга оширилмоқда. Ҳар йили поливитамин комплексларини харид қилиш учун бюджет маблағларини ажратишни кўзда тутадиган Давлат дастурини амалга ошириш доирасида 2013 йилда 400 минг нафардан зиёд ҳомиладор аёлнинг соғлиги мустаҳкамланади. Кўкрак сути билан эмизиш амалиётини янада кенгайтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва қарор топтириш чора-тадбирлари амалга оширилади.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом болалар туғилишига қаратилган ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида жорий йилда туғиш ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларни "Соғломлаштириш ҳафталиклари"ни ҳар ойда ўтказишни давом эттириш кўзда тутилмоқда. Ушбу тадбирлар давомида барча ҳудудлар, айниқса, чекка ва бориш қийин бўлган туманларда мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган марказлар, илмий-текшириш институтлари ҳамда тиббиёт олий ўқув юртларининг юқори малакали мутахассислари ва профессорлари хотин-қизлар ҳамда болаларни даволайди ва маслаҳатлар беради. Ўзбекистонда туғма ва ирсий нуқсонларни эрта аниқлашга ёрдам бериш бўйича йўлга қўйилган аёллар ва чақалоқлар скрининг тизимини такомиллаштириш давом эттирилади.

2013 йилда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда "Соғлом она — соғлом бола" ва "Соғлом ёшлар" лойиҳалари амалга оширилади. Биринчи лойиҳанинг мақсади ўсмир қизларга тўғри овқатланиш, гигиена ва камқонликнинг олдини олиш соҳасида тиббий маълумотлар бериш, шунингдек, ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёлларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш, туғуруққа тайёрланиш ва бир ёшгача бўлган болани парваришлаш масалалари бўйича хабардор қилишдан иборат. "Соғлом ёшлар" лойиҳаси эса ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик, жинсий йўл билан юқадиган инфекциялар ва сил касаллигининг олдини олишга доир таълим услублари ҳамда дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга йўналтирилган. 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган ўғил-қизлар "Соғлом ёшлар" ҳаракатига тренинг-семинарлар, маслаҳатлар бериш ва ёшлар ижтимоий акцияларини, жумладан, "Биз — соғлом ҳаёт тарзи тарафдоримиз!" республика ижодий танловини ўтказиш орқали кенг жалб этилади.



"Ҳаёт учун!" ассоциацияси ва "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида хотин-қизлар ўртасида онкологик касалликларнинг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар, шу жумладан, "Ҳаёт учун!" хайрия форум-марафонини ва бошқа ижтимоий акцияларни ўтказиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Европа Иттифоқи/ЮНИСЕФнинг "Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматларини такомиллаштириш. II-босқич" қўшма лойиҳаси, ЮНФПА, Глобал фонд, KfW банки каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик доирасида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида меҳнат қилаётган 18 минг нафар тиббиёт ходими ўз малакасини оширади. 2013 йилда тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида болаларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш бўйича ЖССТ/ЮНИСЕФнинг замонавий технологиялари ҳамда жаҳон стандартларини жорий этиш лойиҳалари ҳам ҳаётга татбиқ этилади. Буларнинг барчаси мамлакатимизда оналар ва чақалоқлар ўлимини янада камайтириш бўйича Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишга хизмат қилади.

Жорий йилда касалликларнинг 70 фоизидан ортиғини ташкил қиладиган инфекция билан боғлиқ бўлмаган сурункали хасталикларнинг олдини олишга қаратилган профилактика чора-тадбирларини кучайтириш соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг яна бир муҳим йўналишидир. Биринчи навбатда, бу чора-тадбирлар юрак касалликлари, инсульт, саратон, сурункали респиратор хасталиклари ва диабетни келтириб чиқарадиган сабаблар — спиртли ичимликлар ҳамда тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш, кам ҳаракатланиш ҳаёт тарзи ва нотўғри овқатланишга қарши курашишга қаратилади.

Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини — амбулатория-поликлиника хизмати ва 3200 қишлоқ врачлик пунктларидан (ҚВП) таркиб топган тармоқни мустаҳкамлашга, уларнинг фаолиятида профилактика ишлари устуворлигига алоҳида эътибор қаратилади. "Обод турмуш йили" Давлат дастурида аҳолига маслаҳат бериш ва ташхис қўйиш, профилактика ҳамда тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ҚВПлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир бир қатор чора-тадбирлар кўзда тутилган. Мисол учун, "Саломатлик-3" лойиҳасини амалга ошириш доирасида ҚВП, оилавий поликлиникалар ва туман тиббиёт бирлашмаларининг 5100 нафар шифокори ва 12500 нафар ходимини сайёр курсларда ўқитиш режалаштирилган.

Мамлакатимиздаги энг яхши клиникалар мутахассислари иштирокида "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди" лойиҳасини амалга ошириш орқали энг чекка қишлоқ туманларида яшаётган аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш режалаштирилган. Бу жараёнда 146 минг киши, шу жумладан, ёлғиз қариялар, ногиронлар ва пенсионерлар қамраб олинади. Бундан ташқари, йил давомида ҳар бир ҳудудда 200 мингдан ортиқ киши оммавий равишда чуқур тиббий кўрикдан ўтказилади.

Шунингдек, дастурда аҳолининг юқори технологик ихтисослашган тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар ҳам белгиланган. Масалан, 2012 йилда кардиожарроҳлик бўлими ташкил этилган В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази, кўз микрохирургияси ва урология марказида ўта мураккаб ва технологик даражадаги операцияларни ўтказиш кўлами янада кенгайтирилади. Ваҳоланки, бундай операциялар бугун дунёнинг ҳамма давлатларида ҳам амалга оширилаётгани йўқ.

Соҳа мутахассисларининг касбга оид билимларини янада оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда Германия, Италия, Франция, Австрия, Корея Республикаси, Япония, Малайзия, Сингапур, АҚШ, Исроил ва бошқа мамлакатларнинг етакчи клиника ҳамда тиббиёт марказларида мутахассисларимизнинг тажриба ошириши ташкил этилади.

Ўзбекистонда санитария-эпидемиологик барқарорликни таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилаётгани туфайли мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳудудига карантин қилинадиган ва ўта хавфли инфекциялар кириб келиши ҳамда тарқалишига йўл қўйилмади. Аҳолини, айниқса, болаларни эмлашга алоҳида эътибор берилмоқда. 2013 йилда Миллий эмлаш тақвимига мувофиқ 2,5 миллион болани профилактик эмлаш режалаштирилмоқда. Вакциналарни сотиб олиш учун давлат бюджетидан маблағ ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқа вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Атроф-муҳит гигиенаси бўйича миллий ҳаракат режасини, биринчи навбатда, экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларда амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Бундан ташқари, ичимлик суви ва очиқ сув ҳавзаларидаги сув сифатини мониторинг қилиш ҳамда уларнинг лаборатория назорати кучайтирилади, ичимлик суви сифатининг кимёвий ва микробиологик кўрсаткичлар бўйича санитария назорати тизими жорий этилади.

2013 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурида 143 тиббиёт объектини барпо этиш ва реконструкция қилиш, кунига 10145 кишини қабул қиладиган амбулатория-поликлиника муассасаларини фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Уларни ташхис қўйиш ва даволаш бўйича жаҳон стандартларига мувофиқ жиҳозлаш ҳамда қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда Инвестиция дастурига киритилган бешта инвестиция лойиҳаси асосида умумий қиймати 40,5 миллион АҚШ долларига тенг тиббиёт асбоб-ускуналарини харид қилиш ва етказиб бериш режалаштирилган. Шу мақсадда хорижий шериклар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган қатор лойиҳалар ва дастурларни рўёбга чиқариш давом эттирилади.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳам аҳоли саломатлигини ҳимоя қилишни такомиллаштиришда фаол иштирок этмоқда. Ушбу тизимда фаолият кўрсатаётган санатория муассасаларида жорий йилда минглаб фуқаролар — фермерлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида иш билан банд ходимлар, кам таъминланган оилалардан хотин-қизлар, ёш оналар, ёш оилалар ўз соғлигини мустаҳкамлайди. Бу муассасаларни замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш ва уларда кўрсатилаётган соғломлаштириш хизматларини яхшилаш, айримларида эса капитал таъмирлаш ишларини бажариш чора-тадбирлари белгиланган.

Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ҳам алоҳида диққат марказида бўлади. Масалан, еттита болалар соғломлаштириш оромгоҳларида капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилади, қўшимча 3200 га яқин ўринлар ташкил этилади.

Шундай қилиб, "Обод турмуш йили" Давлат дастури соғлиқни сақлаш миллий тизими ва унинг барча йўналишларини янада ривожлантиришга доир кенг кўламли чора-тадбирларни ўз ичига олган. Уларнинг амалга оширилиши эса аҳоли саломатлиги ва фаровонлигини, демак, мамлакатимиз равнақини таъминлаш Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигининг яна бир ёрқин далилидир.

**(ЎзА)**

## Тизим тадбирлари

# Ёшлар маънавиятида ҳуқуқий тарбия

**ТОШКЕНТ ШАҲАР** адлия бошқармаси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, республика Маънавият тарғибот маркази ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигида **"Обод турмуш йили"**га бағишлаб, "Ёшлар ва ҳуқуқий тарбия масалалари" мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Анжуманда сўзга чиққанлар мустақилликнинг илк кунлариданоқ давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида вояга етмаганлар ва ёшлар тарбияси, уларнинг маънавиятини юксалтириш соҳасидаги ислоҳотларни ҳаётимизнинг бошқа соҳалари билан ўзаро чамбарчас боғланган, тизимли, босқичма-босқич амалга ошириладиган стратегияси белгилаб олинганлигини аниқ мисоллар орқали эътироф этишди.

Жумладан, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кафолатловчи қонунчилик асосларини яратиш ва ривожлантириш, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ зарур институционал тузилмаларни яратиш, ёшлар ҳуқуқий тарбиясини, соғлиғини сақлаш, ёшларга давлат томонидан ғамхўрликни кучайтириш каби йўналишларда Ўзбекистон тажрибаси халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилди.

Адлия органлари томонидан манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда ёшларнинг ҳуқуқий фаоллигини юксалтиришда дунёдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, муаммо ва таҳдидларга бағишланган турли мавзуларда семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа сиёсий-ҳуқуқий, маданий-маърифий тадбирларни ўтказишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Тадбирда қонун ҳужжатларида вояга етмаганлар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича белгиланган нормалар ижросини мониторинг қилиш ва баҳолаш механизмларини янада такомиллаштириш, вояга етмаганлар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича доимий равишда жамоатчилик фикрини ўрганишни кенгайтириш масалалари ҳамда бу йўналишда ёшларнинг фаоллигини оширишга қаратилган тегишли таклифлар билдирилди.

# Оила — муқаддаси даргоҳ

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ** адлия бошқармаси ташаббуси билан Самарқанд шаҳар Никоҳ уйида никоҳланувчи шахслар, олий ўқув юртлари, коллеж ва лицей ўқувчилари иштирокида махсус ўқув курси "Оила дорилфунуни"да "Оиланинг мустаҳкамлиги — турмуш ободлигининг гаровидир" мавзуида ўқув-семинар ташкил этилди.

Унда вилоят, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, соғлиқни сақлаш, диний ишлар вакиллари, психолог, ички ишлар ходимлари иштирокида жойларда 2012 йил давомида амалга оширилган ишлар ҳамда келажакдаги ҳамкорлик режалари муҳокама қилинди. Оиланинг мустаҳкамлиги ҳамда никоҳ тузишнинг асосий шартлари, никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар, руҳий хасталикларнинг салбий ҳолатлари ва уларнинг олдини олиш, ушбу йўналишда фуқароларнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини янада юксалтириш мақсадида тарғибот тадбирларини кучайтириш, ахборот алмашинувини мунтазам равишда йўлга қўйиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Анжуманда вилоят адлия бошқармаси томонидан никоҳ тузишнинг асосий шартлари, никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар, руҳий хасталикларнинг салбий ҳолатлари ва уларнинг олдини олишга қаратилган иш режаси манфаатдор ташкилотлар иштирокида кўриб чиқилиб, тегишли таклифлар билдирилди.

Сўзга чиққанлар туман (шаҳар) ФҲДЁ бўлимлари томонидан вилоятдаги маҳалла фуқаролар йиғинларида никоҳ тузишнинг асосий шартлари бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича тўхталиб, бу борадаги ҳамкорликни янада кенгайтириш юзасидан тегишли тавсиялар билдирди.

**Адлия вазирлиги**
**Ахборот хизмати**

## Гиёҳвандлик — аср вабоси

# Жийданинг ҳасрати

**..."ИЙК ОТА" тарафларга йўлингиз тушса, бир разм солинг. Катта йўлга ёндош жойлашган автомобилларга сиқилган газ қуйиш шохобчасининг шундоққина рўпарасида бир туп жийда дарахти бор. "Умри" мобайнида бу жийда дарахти нималарга шоҳид бўлмади, дейсиз? Унинг олдидан яхши ҳам ўтди, ёмон ҳам. Кимдир саратонда соялади, кимдир новда-япроқларини эрмак учун юлиб хазон қилди.**

ШЎРЛИК дарахтнинг бошига не келмасин, чидамоқдан ўзга чораси йўқ. Нима ҳам қила оларди?! Бундоқ дардини ёрай деса, унда на тил бор, на забон. Аммо-лекин, зоҳиран қулоқ тутсангиз, дарахтларнинг шивирида ҳам қандайдир маъно, дард ва нола бордек. Масалан, менга бу ҳикояни худди ўша жийда дарахти айтиб бергандек, гўё...

Икромжон Тожибоев асли тошкентлик. Оилали. Ёши ҳам қирқни қоралади. Аммо, юмшоқ қилиб айтганда, иродаси бўш, ҳаётда бирор мақсад-муддаонинг этагини тутмаган, бугуни билан яшаб, эртанги кунига яхши умид, эзгу ният билан қадам босмайдиган, энг ёмони, яхшиликни билмаган бебурд бир нусха.

Биласизми, инсон ҳақида шундай жумлаларни ёзиш осон эмас. Бироқ, илгари жиддий бир жиноятга қўл уриб, тўққиз йилга озодликдан маҳрум этилгану халқимизга хос бағрикенглик, хайр-саховат, меҳр-оқибат каби бебаҳо фазилатларнинг амалдаги намунаси бўлган амнистия шарофати билан жазодан қутилиб қолиб, яна қайта оғир жиноятга қўл урган кимсага нисбатан шундай ибораларни қўлласак, эҳтимол, муҳтарам ўқувчимиз бизни маъзур тутарлар...

Шундай қилиб, Тожибоев кўп миқдордаги гиёҳвандлик моддаларини контрабанда йўли билан ўтказиш ва сотиш мақсадида ўз жиноятини содир этаётган чоғида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари томонидан қўлга олинди. Тергов-суриштирувлардан маълум бўлишича, ўтган йилнинг июль ойларида Икромжон таниши, Тожикистон Республикаси фуқароси, дастлабки терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган "Матлуба" исмли аёл билан телефон орқали боғланиб, ундан "героин" гиёҳвандлик моддаси топиб беришни илтимос қилади. Ўзаро келишувга кўра, бўлиб тўлаш шарти билан уч ярим миллион сўмга баҳоланган бу оғуни унга бир йигит келтириб бериши, у эса воситачи йигитдан дастлабки тўрт юз минг сўмни бериб юбориши керак эди.

Тез орада "Матлуба" Тожибоевга қўнғироқ қилиб, "буюртма"-ни ишончли одамидан бериб юборганини маълум қилди. Зум ўтмай, Икромжоннинг телефони "сайради". Уни безовта қилаётган Жаҳонгир Нурматов эди. У қўшни республикалик аёл бериб юборган "бир нарса"ни Юқори Чирчиқ тумани, "Ийк ота" қўрғонидаги автомобилларга сиқилган газ қуйиш шохобчаси рўпарасидаги жийда дарахти тагига яшириб қўйганини, келишилган пулни эса "Тошкент — Бекобод" йўналишида қатновчи бирорта киракашдан бериб юбориши лозимлигини маълум қилди...

Икромжон айтилган жойга борди. Жийда билан юзма-юз келди. Излаганини топди. Топди-ю... шу жойнинг ўзида қўлга тушди. Яширилган "бир нарса" — бир жуфт аёллар туфлиси орасига жойлаштирилган "диацетилморфин-героин" гиёҳвандлик моддаси экани-ю унинг соф оғирлиги 87,5 граммни ташкил этиши судга оид кимёвий экспертизанинг 2012 йил 4 августдаги 460-сонли хулосасида ўз тасдиғини топди. Боз устига, суриштирувларда Тожибоевнинг бу ҳунари анча йиллардан бери илдиз отиб келгани ҳам юзага қалқиб чиқди.

Бу ёқда, "Тошкент — Бекобод" йўналишида қатновчи киракашдан ўша 400 минг сўмни олаётган вақтда Жаҳонгир Нурматов ҳам тумшуғидан илинди.

Ўхшатмасдан учратмас, дейдилар. Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган бўйдоқ йигит Жаҳонгирнинг лойи ҳам Икромжон билан деярли бир ердан олинган бўлса не тонг? Негаки, у ҳам аввалги жиноий қилмиши учун муайян жазога ҳукм қилиниб, муддатидан илгари жазодан озод этилган экан...

Жиноят ишлари бўйича Юқори Чирчиқ тумани суди бу ишни батафсил кўриб чиқиб, айбдорларга қилмишларига яраша жазо тайинлади. Унга кўра, бу икки оғуфуруш умрининг 14 йилини панжара ортида ўтказишга маҳкум этилди.

Жийда дарахти нима бўлди, дейсизми? Одам боласининг нораcо қилмишларидан лолу ҳайрон қолган дарахт кўкламдан умидвор. Мана кўрасиз, ҳализамон унинг заррин япроқлари, нопармон гуллари атрофга оғу эмас, мушку амбар таратажак.

**А.БЕКМУРОДОВ**

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик соҳага ихтисослаштирилган ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида "Ёш ҳуқуқшунослар" республика танловини эълон қилади**

*Танлов ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимини, онги ва маданиятини янада юксалтириш, уларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшларнинг эркин фикрлаш қобилияти ва нутқ маданиятини ўстириш, ижтимоий фаоллигини ошириш, фаол фуқаролик позициясини янада шакллантириш, касбий малака ва кўникмаларини ривожлантириш ҳамда ҳуқуқшунослик касбига қизиқиши ва иқтидори юксак ўқувчиларни аниқлаш ҳамда уларни рағбатлантириш мақсадида ўтказилади.*

*Танловнинг республика босқичи 2013 йил 29 март куни соат 10:00 да Тошкентдаги "Темирйўлчилар" маданият саройида бошланади.*

**Танловга марҳамат!**

## Адлия ёрдам берди

# Кечиккан кунлар учун

## пеня тўлашдан озод қилинмади

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2011 йил 23 августдаги Қарори билан тасдиқланган **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида"**-ги Низомда шартномавий-ҳуқуқий интизомни мустаҳкамлаш, шартномаларни, энг аввало, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги шартномаларни тузиш ва бажаришда хўжалик юритувчи субъектларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ҳамда шартномавий-ҳуқуқий интизомни мустаҳкамлаш адлия органларининг вазифаларидан бири этиб белгиланган.



Бу борада Наманган вилояти адлия бошқармаси томонидан қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, Наманган туманидаги "Абдубанно" фермер хўжалиги бошлиғи А.Исломовнинг "Наманган Агротехсервис МТП" масъулияти чекланган жамиятида бўлган ҳақини ундириб беришни сўраб қилган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш жараёнида аниқландики, 2012 йил 7 июнда "Наманган Агротехсервис МТП" масъулияти чекланган жамияти билан "Абдубанно" фермер хўжалиги ўртасида 21 918 353 сўмлик ўрим комбайнини мавсумий ижарага олиш бўйича шартнома тузилган.

Мазкур шартномага асосан фермер хўжалиги томонидан "Клаас Доминатор 130" ўрим комбайн ижарага берилган.

Бироқ, масъулияти чекланган жамият ижара ҳақини фермер хўжалигига шартномада белгиланган муддатда тўлаб бермаган ва шартнома мажбуриятларини бажармаган.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан масъулияти чекланган жамият ҳисобидан фермер хўжалигига 21 918 353 сўм асосий қарз, тўлов кечиктирилгани учун 3 748 038 сўм пеня ундириш бўйича вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди.

Суд жараёни пайтида жавобгар томон фермер хўжалигига асосий қарзни тўлаб берган бўлса-да, тўлов кечиктирилган кунлар учун ҳисобланган пеняни тўлашдан озод қилинмади. Вилоят хўжалик судининг 2013 йил 26 февралдаги ҳал қилув қарорига асосан жавобгардан фермер хўжалиги фойдасига 1 874 019 сўм пеня ундириш белгиланди.

**Алимардон ИНОМОВ,**
**Наманган вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи**

**ТАҲРИРИЯТГА кўплаб мухлислардан турли мавзуларда мақолалар келиб туради. Ўтган йили 1600 га яқин хат-хабар келган бўлса, жорий йил бошиданоқ уларнинг сони янада ортгани бизни қувонтиради. Уларнинг аксарияти газета саҳифаларида эълон қилиниб борилмоқда. Ушбу мақолаларда адлия идораларининг ибратли фаолияти, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ишлар, соҳага оид муҳим масалалар, ёшлар тарбияси билан боғлиқ мавзулар кенг ёритилган.**

Шарҳ

# Хатларда ҳаёт акси

— "2013 йил қамашилик ва ғузорликлар учун қувончли келди, чунки мазкур туманлардаги ФҲДЁ бўлимлари замонавий услубда қурилган янги биноларга ўтказилди, бундан нафақат ФҲДЁ ходимлари, балки мазкур туманлар аҳолиси ҳам мамнун", — деб ёзади Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи **Нодира Қодирова** "Юрт ободлиги" номли мақоласида.

Эрта турмуш қуришнинг оғир оқибатлари ҳамда никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишнинг муҳимлиги Гулистон шаҳридаги Никоҳ уйи мудири **Гулҳаё Расулова**нинг "Тиббий кўрикнинг аҳамияти" ва Қамаши тумани ФҲДЁ бўлими инспектори **Санам Худойқулова**нинг "Мустақил ҳаётга қадам" номли мақолаларида баён қилинган.

Тадқиқотчи **Мирислом Бадалов**нинг "Обод юртнинг бахтли аёллари" ва **Саломат Ниёзова**нинг "Аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш" номли мақолаларида эса, аёлларнинг жамиятда тутган ўрни, ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида сўз борса, ёш авлод маънавий тарбиясининг муҳим жиҳатлари ҳақида Оққўрғон тумани ФҲДЁ бўлими мудири **Минаввар Сайдаламова**нинг "Фарзандлар — ватанимиз келажаги" ҳамда ТДЮИ талабаси **Шуҳрат Адашов**нинг "Фарзанд тарбиясида оиланинг ўрни" номли мақолаларида мулоҳаза юритилган.

Янгиер шаҳридаги 1-сон ДНИ нотариуси **Ойгул Зокирова**нинг "Ҳадя шартномаси", Сирдарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари **Иномжон Құдратов**нинг "Васиятнома ва ишончнома", журналист **Эшбўри Мирзаев**нинг "Ҳуқуқингизни биласизми?", (муаллифнинг "Навоий маршал бўлганми?", "Қонунчилик тарихидан" номли мақолалари ҳам келган), Жиззах вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи **Шуҳрат Шерназаров**нинг "Сўранг, жавоб берамиз", Пастдарғом туманидаги 1-сон ДНИ катта нотариуси **Улуғбек Сатторов**нинг "Сотиб олиш ҳуқуқи билан ижара шартномаси", Сирдарё вилояти ФҲДЁ архиви мудираси **Дилором Абдуллаева**нинг "Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш асослари" деб



номланган мақолаларида ана шу мавзуларга оид батафсил тушунтиришлар ва йўлланган саволларга аниқ жавоблар ёритилган.

Маълумки, жамиятда қонунийликни мустаҳкамлаш муҳим вазифалардан саналади. Тошкент вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи **Азамат Эгамбердиев**нинг "Қонун устуворлигини — таъминлаш фаолиятимиз мезони" ҳамда шу бошқарманинг масъул ходими **Шуҳрат Мирзаев**нинг "Вояга етмаганлар манфаатларини таъминлаш устувор вазифа", Бухоро вилояти адлия бошқармаси масъул ходими **Бобур Турдиев**нинг "Фуқаролик институтларининг давлат бошқарувидаги ўрни", ҳуқуқшунос **Комил Исмоилов**нинг "Суд идоралари фаолиятида кадрларни тайёрлаш", **Санобар Тўрабоева**нинг "Буйруқ тартибида иш юритиш — суд ислоҳотлари самарадорлигини ошириш воситасидир", Ўзбекистон "Адолат" СДП Навоий вилояти кенгаши матбуот котиби **Бахтиёр Темиров**нинг "Юксалиш одимлари" номли мақолаларида ушбу жабҳада амалга оширилаётган самарали ишлар ҳақида сўз боради.

Шунингдек, Андижон вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи **Озодбек Ғафуров**нинг "Адлия аралашгач" сарлавҳали мақоласида ноқонуний тарзда ишдан бўшатилган коллеж ўқитувчисининг адлия бошқармасига қилган мурожаати ҳамда Тошкент вилояти адлия бошқармаси масъул ходимлари **Рустам Турдиев** ва **Сунаттилло Абдурасуловлар**нинг "Мурожаатлар ижобий ҳал қилинмоқда" сарлавҳали мақоласида адлия аралашуви билан 2 та фермер хўжалигида юзага келган муаммолар ўрганилиб, масалалар ижобий ҳал бўлгани ҳақида сўз борса, Навоий вилояти бўйича мухбиримиз **Маруса Ҳосилова** томонидан тайёрланган "Қилмиш — қидирмиш" ҳамда Сурхондарё вилояти хўжалик судининг судьяси **Ихтиёр Ҳакимов**нинг "Табиий газ тақсимотидаги қинғирликлар" сарлавҳали мақолаларида жиноий қилмишларга жазо муқаррарлиги ҳаётий мисолларда акс этган.

Таҳририятга келаётган мактублар орасида талабалардан келган мақолалар ҳам талай эканлиги қувонарли. Уларнинг мақолаларида мавзуга янгича ёндашувлар кузатилади. Жумладан, ТДЮИ талабалари **Мирёқуб Раҳимов** ҳамда **Элёр Убайдуллаев**нинг "Хориж тажрибаси", **Нилуфар Умарова**нинг "Хорижда коррупция кўринишидаги қилмишлар учун жавобгарлик" ва "Жиноят ҳуқуқида коррупцияга қарши курашнинг умумий асослари" ҳамда Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти талабаси **Улуғбек Тўраевнинг** "Сувни эъзозлаш керак..." номли мақолалари кичик илмий тадқиқот изланишлар акс этганлиги билан аҳамиятлидир.

Бу каби мактублар билан танишар эканмиз, мавзулар қизиқарли ёритилиши билан бирга қонун нормаларидан айнан кўчириш ёки ўзлаштириб олиш ҳолатлари ҳам борлиги кузатилади. Муаллифларнинг ўз фикри ва мавзуга таҳлилий нуқтаи назардан ёндашуви газетхонлар учун қизиқарли жиҳат эканлигини эътибордан четда қолдирмаслик лозим, албатта.

Биз Сиз азиз муштарийлардан ана шундай таҳлилий фикр-мулоҳазаларингиз битилган, фойдали, аҳамиятли ҳамда равон тилда ёзилган мақолаларни кутиб қоламиз.

**Дилфуза ЭРГАШЕВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Ўқидингизми?

## Журналнинг янги сони




КЎНГЛИМИЗНИ маърифат ёғдулари билан безагувчи, ҳар биримизни меҳр-оқибатли бўлишга ундовчи севимли журналимиз Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг диний-маърифий, илмий-адабий нашри — "Ҳидоят"нинг 2-сони мухлислар эътиборига ҳавола этилди.

Унда бир-биридан қизиқарли мавзуларга бағишланган мақолалар билан танишиш мумкин. Жумладан, **Нурали Мавлонов**нинг "Мукофоти жаннат", **Соҳибжон Аҳмадов**нинг "Оқибати хатарли қилмиш", **Гулбаҳор Ҳошимова**нинг "Беарволик офат келтирар", **Қувондиқ Боймуродов**нинг "Тил яхшиликни сўзласин", **Аҳмаджон Бобомурод**нинг "Қарзини узмаган зарар кўради" номли мақолаларини ўқиган мухлислар ўзи учун муҳим ҳаётий сабоқлар олиб, тўғри хулосалар чиқариши табиий.

Журналнинг деярли ҳар бир саҳифасида ана шундай маъноли, ибратли мақолалар ўрин олган. "Ҳидоят" журналининг янги сони ҳеч бирингизни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

**(Ўз мухбиримиз)**







Қашқадарё вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 20 февралдаги 24-ум-сонли буйруғига асосан Қарши шаҳридаги "Насаф мадад маслаҳатчиси" адвокатлар ҳайъати адвокати Камалов Абдурахим Алимовичга "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуннинг 15-моддасига биноан адлия бошқармаси томонидан 2010 йил 18 августда берилган KS 000136 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши суд ҳукми қонуний кучга киргунига қадар ёхуд реабилитация қилувчи асосларга кўра уни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар тўхтатилди.

Адвокатлар палатаси Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги Малака комиссиясининг 2013 йил 23 февралдаги 2-сонли баённомаси ҳамда вилоят адлия бошқармасининг 2013 йил 7 мартдаги 39-ум-сонли буйруғига асосан Қарши шаҳридаги "Ҳимоя сўзи" адвокатлар ҳайъати адвокати Махаммадиев Хасан Шодиевичга адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 25 июнда берилган KS 000094 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуннинг 15-моддасига асосан 6 ой муддатга тўхтатилди.

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 11 мартдаги 53-ум-сонли буйруғига асосан Пайариқ туманидаги "Юлдуз" адвокатлик фирмаси адвокати Усманов Акбар Файзуллаевичга вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 8 июнь куни берилган SA 000012 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тикланди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Фахрийлар кенгаши ҳамда «Инсон ва қонун» газетаси таҳририяти жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, меҳнат фахрийси Абдулла Собировга онаси
**ПОШША ая**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси Шайхонтоҳур туманидаги 9-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Ботир Номозовга онаси
**Дилором ая АЛЛАМУРАТОВА**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Жиззах вилояти адлия бошқармаси жамоаси Жиззах шаҳридаги 4-сон давлат нотариал идораси нотариуси Турдимурод Қосимовга отаси
**Абдураззоқ бобо ҚОСИМОВ**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилояти суди жамоаси Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқароларни қабул қилиш ва шикоятлар бўлими бошлиғи ўринбосари Хайитали Қаемовга волидаи муҳтарамаси
**Ҳимматой ая ҚАЮМОВА**нинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

**ИНСОН ва ҚОНУН**
1996 йилнинг январидан нашр этилади

**МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**
www.minjust.uz

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

ISSN 2010-7897

**Бош муҳаррир:** Қўчқор НОРҚОБИЛ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Қўчқор Тоғаев
Турсунов Тўлқин Мирзаевич
Очилов Алижон Мухлисович
Муҳаммаджонов Омонулла Зокирович
Султонов Алимқул Тошбекович
Мамадалиев Зайниддин Очилович

**Навбатчи:** Ёрбек ИСКАНДАРОВ
**Саҳифаловчи-дизайнер:** Тўлқин РАУПОВ

**Нашр индекси: 137**
**«ИНСОН ВА ҚОНУН»** газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буюртма j-6679. **Тиражи — 23780.**
Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 19.00

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.**
**Тел: 233-95-31,**
**Факс: 233-84-50**

*Баҳоси келишилган нархда*

1 2 3 4 5